
Бугун Фарғона вилояти биринчилиги, иккинчи лига мусобақаларига старт берилди

"Тошлоқ" жамоаси илк учрашувини 16 июнь чоршанба кuni Фурқат тумани марказий стадионда Фурқат туманининг "Фурқат" жамоасига қарши учрашув билан бошлайди. 23 июнь кuni эса 2-тур доирасида Ёзёвон туманининг "Ёзёвон лочинлари" жамоаси билан "Тошлоқ" ўйингоҳида ўйнайди.

Шу муносабат билан Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ва сектор раҳбарлари ўйингоҳга ташриф буюришиб, машғулот жараёнлари билан танишдилар. Шунингдек, футболчилар билан суҳбатлашилди.

Клуб раҳбарияти томонидан футболчилар таништирилди. Туман ҳокими клуб ҳаражатлари учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилганини таъкидлаб, футболчиларнинг тақдирланиши, фахрли ўрин билан мавсум яқунланса, микроавтобус ҳамда клуб учун қўшимча маблағ ажратилишига ваъда берди.

Жамоага нигериялик Генрих Обиннанинг қабул қилинганлиги ҳам ўйин суратини ошишига боғлиқлигини, жамоада дўстона муносабат бўлиши зарурлигига эътибор қаратди. Учрашув сўнгида жамоага омад тиланди.

2021-06-15 17:44:01